



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 22 июнь, № 123 (5038)

Сешанба

Сирдарё вилояти: Қишлоқда замонавий уйлар

аҳоли турмуш фаровонлиги юксалаётганининг яққол ифодасидир



СУРАТДА: Сардоба туманилик Маҳмудовлар оиласи янги хонадондаги қулайликлардан мамнун.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси бугун нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, балки турмуш шароитимизда ҳам яққол кўзга ташланаётди. Бундай ўзгаришлар, айниқса, Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қишлоқ жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий инфратузилмани шакллантириш орқали бу ерда истикомат қилаётган аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларда тўла-тўқис намоён бўлмоқда.

Ислохот

Чиндан ҳам, ҳозирда юртимизда кечаётган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш жараёни қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминламоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса ушбу йўналишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. — Утган йили Боёвут, Сирдарё ва Сардоба туманларида намунавий лойиҳалар асосида қурилиши бошланган замонавий тураржойларга ўз эгалари аллақачон кўчиб ўтишди, — дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" иқтисослаштирилган шўба инжиниринг компаниясининг Сирдарё вилояти филиали директори Юсуф Йўлдошев. — Мазкур ҳудудларда, шунингдек, маҳаллий бюджет ҳисобидан 3 та стационар трансформатор ўрнатилиб, 1,32 километрлик электр энергияси, 2,07 километрлик газ, 1,7 километрлик сув тармоғи тортилди. 1,5 километрлик йўл асфальтланди.

(Давоми 2-бетда).

Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонасидан маълум қилишларича, ушбу банк директорлар кенгаши Ўзбекистон саноат корхоналарида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳа учун 25 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилишини маълумлади.

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад — энергияни тежаш учун сармоя киритиш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини янада оширишдан иборат. Саноат корхоналарида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва энергия сарфини камайтириш чора-тадбирларини татбиқ этиш иқтисодий таъминнинг устувор вазифаларидандир. Бу мамлакатимиз саноат сектори рақобатбардошлигини ошириб, газ ресурсларининг муайян қисмини экспортга йўналтириш бўлган замонавий тураржойларга ангадрилди газ чикши ҳажмини камайтиришга хизмат қилади. Давлат акциядорлик тижорат «Асака банки», «Усанотқурилишбанк» ва «Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банклари мазкур лойиҳани молиялаштирувчи ҳамкорлар этиб белгилади.

Энергияни тежаш учун дастлабки инвестициялар қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш, энгил саноат корхоналарида ажратилади. Лойиҳа икки қисмдан иборат. Биринчиси — корхоналарда электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда «Асака банк», «Усанотқурилишбанк» ва «Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банклари учун белгиланган кредит линиялари. Бунда электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун сармоя йўналтириш мақсадида саноат корхоналарини тўлиқ кредитлаш учун ҳар бир банкка 8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади. Субкредитлар миқдори 1,5 миллион АҚШ доллари ошмайди ва олинган ушбу маблағ АҚШ доллари ёки сўмда тўлаб борилиши мумкин. Корхоналар лойиҳанинг самарадорлик даражаси ва кредитни тўлаш имкониятини кўрсатган ҳолда кредит олиш бўйича одатдаги тартибларга амал қилади. Бундан ташқари, корхоналар электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тақдим этилаётган сармоя йилига камида 20 фоиз энергия тежаси таъминлашни исботлашни лозим. Иккинчи қисм — электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича салоҳиятни ошириш билан боғлиқ. Бунда саноат корхоналарида ўзининг борадаги стратегиясини ишлаб чиқишга қўмаклашилади. Бу эса корхонага мақсадли ва тизимли инвестиция киритиш имконини беради. Бундан ташқари, мазкур йўналиш кадрларни мақсадли ўқитиш орқали саноат сектори ва банкларда электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича лойиҳаларни таллаш, тайёрлаш ва амалга ошириш масалаларида билим, тажриба ва ваколатларни оширишга оид муаммоларни ҳал этишга ҳам қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

GERMANYA DELEGATSIYASINING TASHRIFI

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказида Германия Федератив Республикаси Федерал ҳукуматининг кўчиб ўтганлар ва камсонли миллатлар масалалари бўйича вакили, Ички ишлар вазирлигининг парламент томонидан давлат котиби, Бундестаг депутаты Кристоф Бергнер билан учрашув бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллатлараро тотувликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча миллат ва элатлар вакилларининг аҳил-иноқ яшаётганини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан кафолатланганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган бир юз элликка яқин миллий-маданий марказлар турли миллат ва элатлар вакилларининг ўз тарихини ўрганиш, тилини, маданиятини ва санъати, урф-одатлари, ва аъналарини сақлаш ва ривожлантиришга қўмаклашишга катта ҳисса қўшаётди. Байналмилал маданият маркази ҳузурида ташкил этилган немис маданият маркази Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ҳам ўз бўлимларига эга.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ПОЙТАХТИМИЗДА УРОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Урологлар анжумани

Тадбир Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Урологлар жамияти, Республика иқтисослаштирилган урология маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз тиббий-илмий марказлари олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия ва Жанубий Кореядан мутахассислар ҳам иштирок этди.

Республика иқтисослаштирилган урология маркази директори Ф. Оқлов мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида тиббиёт тизимини амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, халқимизга тез ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 4-бетда).

Янги корхона маҳсулотлари

Лойиҳа қиймати 181 миң АҚШ долларлик ушбу корхонада янги пайтда хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида сифатли деворбоп материаллар ишлаб чиқарилаётди.

63 киши доимий иш билан таъминланган "Бинокор"да ҳар ойда ўртача 1 миллион донагача хом гишт ва 350 миң донадан зиёд пишиқ гишт тайёрланмоқда.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энг яхши таълим муассасаси

Унда шахар ва туманларда голибликни кўлга киритган 16 та таълим муассасаси ҳарбий таълим бўйича ўз имконият ва тажрибаларини намоиш этишди.

Тадбир ниҳоясида Бўстон академик лицейи голиб деб топилди, мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган якуний босқичда қатнашш ҳуқуқини кўлга киритди. Нукус педагогика ва Беруний қишлоқ ҳужалик касб-ҳунар коллежлари совринли ўринларни эгаллашди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг Перлис штати ворис шаҳзодаси, Перлисдаги Малайзия университети раиси Туанку Сайид Файзуддин Путра Сирожуддин Жамалуллайл зоти олийлари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазири Баҳодир Ходиев билан учрашди.

МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, фан-таълим соҳасида ҳам ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Таълим соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хусусан, мамлакатимиз олий таълим муассасалари билан Перлис университети ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда).

БАҒРИКЕНГ ВА ҲАМДАРД ХАЛҚМИЗ

Шу йил 11—15 июнь кунлари Қирғизистоннинг жанубида — Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида содир этилган қонли фожиалар бутун халқимизда катта ташвиш ва безовталик уйғотди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ақидаси Бухоро вилоятига қилган сафарини давомида Қирғизистонда юз берган ана шу воқеалар муносабати билан телевидение орқали билдирган фикр-мулоҳазаларини катта эътибор билан тингладим.

Мен яқин кунларда бу қонли жиноятларнинг тағи-га етиб бориб, уларга қонуний баҳо берилишига ишонман, деди Ўртбошимиз. Бу хунрезликни амалга оширганлар — булар ташкилотчилар бўладими, ижрочилар бўладими — барча жиноятчиларга жазо муқаррар.

Давлатимиз раҳбари Қирғизистон жанубида содир этилган хунрезликларнинг туб илдизлари, бу қотилликларнинг тағида ётган разил мақсадларга атрафлича тўхталиб ўтди. Бунини уюштирган қўлларнинг пинҳона ҳаракати четдан туриб икки халқни бир-бирига қарама-қарши қилиш, қон тўкишга олиб келиш, энг ёмони, бу тўқнашувга Ўзбекистонни ҳам қўшиб қўйишдан иборат бўлган, деди Президентимиз. Асосий мақсад-муддао — қандай қилиб бўлса-да, Ўзбекистонда яшаётган ўзбекларнинг жаҳлини чиқариб, бу мудиҳ киргинга тортишга қаратилган. Ўзбек-

ларнинг қизиққонлигидан фойдаланиб, уларнинг гуруру ва ҳамиятига тегиб, кескинликни авж олдириш кўзда тутилган.

Шунинг билан олиб, Ўртбошимиз ҳар биримизни, барча-барча инсонларни яна бир марта оғир-вазимин бўлишга қақирди. Қизиққонлик бу масалада ҳеч қачон, ҳеч қаерда фойда бермаган. Ўзбекистон ҳеч қачон бундай жоғрога қўшилмайди, Қирғизистон халқи қонли қонли урушга йўл қўймайди, деди мамлакатимиз раҳбари.

Президентимиз таъкидлаганидек, ўзининг қадриқиммати, гуруру ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртининг ҳимоя қилишга, керак бўлса, бошқаларга ёрдам бериш, ўрнак бўлишга қодир бўлган бунёдкор ва салоҳиятли давлатни, халқ ва миллатни дунё аҳли тан олади, ҳурмат қилади. Ўз кучи ва келажагига ишон-

ган халқнинг бағри кенг бўлади.

Дарҳақиқат, халқимизнинг илдизлари бақувват, тарихи буюк, келажаги мустаҳкамдир. Бизнинг бошқа халқлардан фарқимиз шуки, бир томондан халқимиз жуда содда, бағрикенг — бир оғиз яхши гапга жонимизни беришга тайёрмиз. Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, биз ҳар томонлама бағрикенг халқимиз, ҳамдард халқимиз, ҳамдардликка тайёр халқимиз.

Биз ҳар доим вақимин, ориятли, ор-номусли халқ бўлиб келганимиз. Ҳар доим ўз салоҳиятимизга, ўз кучимизга суяниб яшаганимиз. Шу билан бирга, доимо етти марта ўлчаб, бир марта кесганимиз. Президентимизнинг халқимизни, бутун жамоатчилигимизни шу йўлдан ҳеч қачон қайтмасликка қаратилган таъсирчан давлатини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Қандай оғир бўлмасин, ҳаёт давом этади, инсон доим яхши кунларга умид қилиб, эртанги кунга ишониб яшайди. Ишончимиз қомил, Президентимиз айтганидек, бу мусибатли кунлар орқанда қолади, барчамизнинг орзу-ниятимиз бўлган тинчлик-осойишталик, албатта, қарор топади.

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖИ

мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлайди

Пойтахтимиздаги "Le Grande Plaza" меҳмонхонасида "Радиочастота спектри ва йўлдошли орбиталардан фойдаланишни халқаро миқёсда бошқариш" мавзусида қўшма семинар ўз ишнини бошлади.

Мазкур тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Халқаро электралоқа иттифоқи, Алоқа соҳасидаги худудий ҳамдўстлик ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилди. Семинарни ўтказишдан

тридан ва йўлдошли орбитадан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборатдир. 25 июнга қадар давом этадиган тадбирда мамлакатимиздан ташқари Озарбойжон, Қозғоғистон, Латвия, Молдова, Россия, Тожикистон, Украина ҳамда Беларусь давлатларидан мутахассис ва экспертлар, шунингдек,

(Давоми 2-бетда).

Ёш оилаларга юксак эътибор

Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида мамлакатимизда ёш оилаларга 23,8 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида "Ипотека-банк" томонидан берилган ана шу маблағ ҳисобидан жуда кўп ёш оилалар уй-жой шароитларини яхшилаб олдилар.

Бир рақам шарҳи

ЖАҲОН

24 соат ичида

Қадимий пойтахт қолдиқлари

Нил дельтасининг шимолӣ қисмида олиб борилган археологик қазималар чоғида қадимий шаҳар қолдиқлари топилди, дея ёзади "The Daily Telegraph".



Тахмин қилинишича, бу ерда миллоддан аввалги 1664 — 1569 йилларда келиб чиқиши Осиёдан бўлган гипсослар қабиласи яшаган. Ҳозирча қадимий пойтахт қўчалари, уйлар ва майдонлар жойлашуви чизмаси яратилди.

Маъмур ҳудудда 1975 йилдан бери археологик қазималар олиб борилмоқда.

Қушларга қирон келди

Ўтган қиш фасли Буюк Британияда сўнгги ўттиз йилдаги қараганда анча совуқ келган.

Ҳаво ҳароратининг кескин тушиб кетиши катта талафотларни келтириб чиқаргани аста-секин ойдинлашмоқда. Хусусан, қаҳратон қишда мамлакат ҳайвонот оламининг ноёб турларидан бири — сариқ бошли чумчуқсимон қушларнинг икки миллиондан ортиғи нобуд бўлган. Шу боис ҳозирга келиб бу митти жониворлар қарийб икки баробарга камайиб кетган. Сариқ бошли чумчуқсимон қушлар Буюк Британия ҳудудида учрайдиган энг кичик паррандалар ҳисобланади.



Хаво ҳароратининг кескин тушиб кетиши катта талафотларни келтириб чиқаргани аста-секин ойдинлашмоқда. Хусусан, қаҳратон қишда мамлакат ҳайвонот оламининг ноёб турларидан бири — сариқ бошли чумчуқсимон қушларнинг икки миллиондан ортиғи нобуд бўлган. Шу боис ҳозирга келиб бу митти жониворлар қарийб икки баробарга камайиб кетган. Сариқ бошли чумчуқсимон қушлар Буюк Британия ҳудудида учрайдиган энг кичик паррандалар ҳисобланади.

Оддий ҳолга айланди

Грецияда жамоат транспорти ходимлари иш ташлаш уюштирилди.



Бунга ҳукумат томонидан бюджет харажатлари, шу жумладан, ойлик маош ва нафақа миқдорининг қисқартирилиши сабаб бўлган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ушбу мамлакатта жиддий салбий таъсир кўрсатди. Юзага келган маблағ тақчиллигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ва халқаро ҳамжамият кўмағи ҳам кўнгилдагидек самара бермаётти. Шу тўғрисида сўнгги пайтларда бу каби иш ташлашлар уюштирилиши оддий ҳолга айланиб қолди.

Кондаги фожиа

Хитойнинг Пиндиншань шаҳридаги Синдун қониди портлаш содир бўлди.

"Синьхуа" ахборот агентлиги хабарига кўра, бахтсиз ҳодиса оқибатида 46 киши ҳаётдан кўз юмган. Лекин бу узил-кесил хулоса эмас. Хитой Халқ Республикаси ишлаб чиқаришдаги хавфсизлигини назорат қилиш давлат бошқармаси бошлиғи Ло Линнинг билдиришича, воқеа жойида олиб борилган кидирув-кутқарув ишлари ниҳоятга етказилган, қурбон бўлганларнинг аниқ сони ва портлаш сабабларига оидинлик киритилади.



Хунрезлик оқибати

Ироқнинг Бағдод шаҳрида амалга оширилган иккита кўпуровчилик оқибатида 26 киши ҳалок бўлди, 53 киши турли даражада тан жароҳати олди.

Қурбонлар сони яна ортиши мумкинлиги айтилмоқда. Чунки шифохонага ётқизилганлардан аксариятининг аҳоли оғир. Воқеа давлат ташкилотлари, хусусан, мамлакат Ички ишлар вазирлигининг паспорт бўлими ва Ироқ Тижорат банки жойлашган туманда содир этилган. Бу ерда киноятчилар автомобилларга ўрнатилган миналарни ҳаракатга келтирганлар.

Эслатиб ўтамай, ўтган яшанба кун Ироқнинг марказий банкига ҳужум уюштирилган. Ушунда маъмур хунрезлиги "Ал-Қоида"га тегишли кўпуровчилик гуруҳи ўз зиммасига олган.

Мижозлар сони ошади

Испаниядаги йирик "Santander" банки Буюк Британия чакана савдо бозоридagi мавқеини кучайтирмоқчи.



Гап шундаки, ушбу молия муассасаси ҳозир туманли Альбионда нуфузли ҳисобланган "RBS" банкнинг 300 та бўлимини сотиб олишни режалаштирмоқда. Бунинг учун у 2,1 миллиард евро тақдир қилмоқда. Агар маъмур олди-сотди амалга ошса, испаниялик сармоядорлар Буюк Британиянинг ўзида яна 1,8 миллион нафар мижозга эга бўлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

2010 йилнинг 16 июнида "COSCOM" МЧЖ ХК компаниясининг янги савдо белгиси — "UCell" тақдим қилинганлиги икки йил тўлди. Айнан шу кун Иккита қадимий пойтахт қолдиқлари топилди, дея ёзади "The Daily Telegraph".

UCell: ТАРМОҚ КЕНГАЙИБ, АЛОҚА СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Бугун "UCell" Ўзбекистон бозоридида иккинчи уяли алоқа оператори бўлиб, кенг қамровли ва кўп қўлдан турли хизматлар тақдир қилмоқда. Компаниянинг ўсиши инновациялар, тармоқ қамровининг кенгайтирилиши, янги тариф режалари ва хизматларни тақдир қилиш асосида амалга оширилмоқда.

Икки йил давомида компаниянинг ўзбекистонлик абонентлар ўртасида катта ҳурмат қозонганидан бахтиёрман. Бизнинг брендимииз гайрат, очкилик, жўшқинлик ва ўз кучига ишонч рамзидир, — деди "COSCOM" МЧЖ ХК бош директори Огуз Мемиев. — Ўтган йиллар давомида "UCell" қамрови анча кенгайди ва кўпгина соҳаларда янгиликлар киритди. Айни пайтда компаниямиз қўлай ва арзон тариф режалари, кенг қамровли ва сифатли хизматлар тақдир этмоқда. Биз компаниямизни ўз уяли алоқа оператори сифатида танлаган барча мижозларга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Ҳозирги кунда компания тармоғи мамлакат аҳолисининг 90 фоиздан ортигини қамраб олиш имкониятига эга. Эндилда компания тармоғи 2,5G ва 3G технологияси асосида ишлаб, исталган вақт, истал-

қилинмоқда. Улар орасида CAMEL роуминг 52 ва GPRS роуминг 112 оператор тармоғи мавжуддир.

Айтиб ўтиш жоизки, "UCell" мамлакатимиз иқтисодиёти таррақийетида ҳам катта ўринга эга.



Ҳозирги кунда 2000 га яқин абонентлар билан ишлаш пунктлари фаолият кўрсатиб келяпти. Компаниянинг режалари кўп. Қўшимча хизматлар сонини кўпайтириш, тармоқнинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, унинг ўтказиш имкониятлари ҳамда худудий қамровини кенгайтириш, ахборот алмашиш суръатини янада ошириш, корпоратив сектор, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун янада қўлай ва зарур хизматларни ишга тушириш шулар жумласидандир.

Модернизация

Хизматлар жорий этди. 3G, GPRS ва EDGE технологиялари асосидаги мобил Интернет, мультимедиа хабарлари (MMS), маблағ юбориш, овозли хабарлар, электрон почтага SMS юбориш каби хизматлар шулар жумласидандир. Айни пайтда хизматлар тури кенгайиб бормоқда ва абонентлар янада кўпроқ имкониятлар ҳамда қўлайликларга эга бўлишарди.

"UCell" роуминг хизматлари 127 давлатдаги 273 дан ортиқ компаниялар тармоғига тақдир

Ўтган бир ярим йил ичида компания 400 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестицияни амалга оширди. Бундан ташқари, йирик компания сифатида барча солиқлар ва бошқа зарурий тўловларни ўз вақтида амалга ошириб, мамлакат бюджетига ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий масъулият ва ҳар қандай компания стратегиясининг узвий қисmidир. Ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларни қўллаб-қувватлаш "UCell" учун жуда муҳим. Бу борда компания бир қатор ижтимоий акциялар ўтказди. Улар орасида мактаблар, университет, театрларда ташкил этилган тадбирлар, онкологик касалликка чалинган болаларга ёрдам бериш каби лойиҳалар бор.

Айни пайтда компаниянинг дилерлик тармоғи ҳам кенгайиб бор-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

2010/2011 ўқув йили учун бакалаврият ва магистратурага қабул эълон қилади.



Тошкент давлат аграр университети етук, малакали қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларини тайёрлаш бўйича нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёда таянч олий ўқув-илмий ва маърифий маскандир.

Университетда мавжуд 6 та факультетнинг кундузги бўлимига қуйидаги 20 та: касб таълими (агрономия); касб таълими (қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш); касб таълими (қишлоқ ҳўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш); иқтисодиёт (қишлоқ ҳўжалигида); маркетинг (қишлоқ ҳўжалигида); бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича); фермер ҳўжалигини бошқариш ва юритиш; агрохимия ва агроупроқшунослик; агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича); ўсимликлар ҳимоси ва карантини; қишлоқ ҳўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси; зоотехния (тармоқлар бўйича); ўрмончилик; ипакчилик; қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш; қишлоқ ҳўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш; мева-сабзавотчилик ва узумчилик; аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилиш; ветеринария йўналишлари бўйича бакалавриятга қабул қилинади.

Университетга қуйидаги 37 та:

- тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича); мева-сабзавотчиликда биотехнология; тупроқшунослик; агрохимия; пахтачилик; ўсимликшунослик; умумий деҳқончилик; агрономия (далачилик); дончилик; сабзавотчилик; мевачилик; узумчилик; ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш; энтомология; фитопатология; пахта уруғчилиги ва селекцияси; дала экинлари уруғчилиги ва селекцияси; деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; пахта хом ашёси етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш; наслчилик; паррандачилик; асаларичилик; балиқчилик; аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилиш; ипак курти уруғчилиги; ипак курти биологияси ва агротехникаси; деҳқончиликни механизациялаштириш; чорвачиликни механизациялаштириш; қишлоқ ҳўжалиги техникаларидан фойдаланиш, уларни тиклаш ва таъмирлаш; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жиҳозларидан фойдаланиш ва техник сервис кўрсатиш; трактор, автомобиль ва қишлоқ ҳўжалиги техникаси; хориж техникалари сервиси; электротехник ускуналари эксплуатацияси ва техник сервис кўрсатиш мутахассисликлари бўйича магистратурага қабул қилинади.

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: * университет ректори номига ариза; * ўрта ёки ўрта махсус маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; * паспорт нусхаси; * 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома; * 3,5x4,5 см. ўлчамли 6 та фотосурат. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: * магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда университет ректори номига ариза;

- * олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси; * паспорт нусхаси; * 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома; * 3,5x4,5 см. ўлчамли 6 та фотосурат. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

Университетимизга ҳужжат топширган абитуриентлар учун барча қўлай шарт-шароитлар мавжуд. Хусусан, тест синовларига қирадиган фанлар бўйича малакали профессор-ўқитувчилар томонидан консултациялар олиб борилади. Шунингдек, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар учун танлаган йўналишлари бўйича махсус тайёрлов курси фаолият кўрсатмоқда.

Замонавий ўқув хоналари, ахборот-ресурс маркази, маиший хизмат уйи, «Экспериментал муассасаси», қишлоқ ҳўжалиги илмий тадқиқотлар маркази ва ўқув-тажриба станцияси, спорт заллари, поликлиника ҳамда профилакторий талабалар хизматига.

Азиз йигит-қизлар!

Мустақил мамлакатимизнинг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришдек эзгу ишларга ҳисса қўшишни орозу қилган ёшлар!

Сизларнинг университетимиз талабаси бўлишингизга тилақдошимиз!

Омад сизларга ёр бўлсин!

Бизнинг манзил: 100140, Тошкент шаҳри, ТошДАУ. 19, 83, 96, 115, 129, 491-автобусларнинг «Тошкент давлат аграр университети» бекати.

Яхши хабар

Наманган вилоятидаги муҳандислик-педагогика институти қошидаги "Дўстлик" академик лицейида таълим-тарбия бора-сида катта тажриба тўпланган.

Лицейдан — олий таълимга

Жумладан, маъмур ўқув маскани битирувчиларидан 6 нафари яқинда ўтказилган республика фан олимпиадаларида голибликни қўлга киритгани ҳамда муддатидан олдин талаба бўлганликлари бунга яққол кўрсатиб турибди.

Яқинда Давлат тест маркази томонидан ташкил этилган хорижий олий ўқув юртларига кириш имтиҳонини муваффақиятли топширган беш ўқувчи эса эндиликда дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил оладиган бўлишди. Хусусан, Улугбек Саидрахимов Архангельск давлат техника университети, Носир Нуриддинов Тюмень давлат нефть ва газ саноати университети, Умид Асхонов эса Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳридаги иқтисодиёт университетида таълимни давом эттирадilar.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Tashkent Pipe Plant (Труба Заводи КК) featuring various pipe specifications and contact information. Includes details about different types of pipes like 'СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР' and 'ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР'.

Advertisement for Uzbekistan Republic Ministry of Education and Science regarding sports equipment procurement. Includes details about 'ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ'.

